

**КИЧИК МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ**

Хайитова Зилола Махмуджоновна

Низомий номли ТДПУ “Умумий психология”

кафедраси ўқитувчиси

Абдурахмонов Аслиддин

Низомий номли ТДПУ талабаси

Қадимда буюк алломаларимиз соғлом авлодни тарбиялашда шахснинг ҳар томонлама уйғун ривожланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Ана шу маънавий меъроснинг ҳақли ворислари сифатида аждодларимиз тажрибаларини, тафаккур меваларини ўзлаштириб, ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ўрнида қўллашимиз мақсадга мувофиқдир. Баркамол авлодни тарбиялашда ўзбек халқининг таълим - тарбияга оид тарихий тажрибасини ўрганиш ва уни янги замон кишисини шакллантириш ва тарбиялашда ҳаётга амалий татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аждодларимиз таълимотларида билимни севиш ва ардоқлаш, олим-у фузалоларни, устозларни ҳурмат қилиш, устоз-шогирд муносабатларида муомала маданияти, инсоний фазилатларни эъзозлаш ҳақидаги илмий ғоялари ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий меъросдир.

Қадимий эпосларда бола тарбиясида, унинг билим ва ҳунар эгаллашида устозлар ижтимоий мавқега эга шахслар сифатида гавдаланади. “Авесто”да ёзилишича, “Ҳар бир кишини шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқиш ва сўнгра ёзишни ўрганиб, энг юксак поғонага кўтарилсин” .

Зардуштийлик таълимоти бўйича таълим таълим-тарбия қуйидагича олиб борилиши кўрсатилади: 1) диний ва ахлоқий тарбия; 2) жисмоний тарбия; 3) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Шундай қилиб, Авесто юксак умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиб, у ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга ҳамда устоз-шогирд муносабатини яхшилашга йўналтирилган муҳим тарихий манбалардан бири ҳисобланади.

Тасаввуф таълимотининг асосида инсонни комиллик даражасига етказиш асосий ўринни эгаллаган. Унда инсонпарварлик, одамийлик, инсоф, саҳоват, ахлоқ



2-TOM, 11-SON

фазилатлари, муҳаббат ҳақидаги ғоялар мужассамлашган. Ислом таълимоти бўйича тасаввуф аҳли, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат одобини ўташи жоиз.

Шарқ мутафаккири Ахмад Яссавий адаб тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “Адаб – гўзал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинни тарбия қилмоқ. Сўфийларнинг англашларига биноан адаб 4 га бўлинади:

1. Шариат адаби. Бу – пайғамбар шариати ва суннатига амал этмоқ.
2. Тариқат адаби. Бу – тариқатга боғланиб, унинг одоб ва арконини ўрганиб, шу бўйича ҳаракат қилмоқ.
3. Маърифат одоби. Бу – нафси амморани мағлуб қилиб, илми илоҳийни ўзлаштириш.
4. Ҳақиқат одоби. Бу – Аллоҳдан бошқасидан юз буриб, ваҳдат майдан қонмоқ” .

Фаробийнинг таъкидлашича, таълим-тарбия ишига киришиши, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш ва назарда тутиш лозимдир. Унинг фикрича, хоҳиш, ирода, қобилият, яхшилик ва ёмонлик шундай хислатлар қаторига киради. Шунинг учун инсоннинг хоҳиш, ирода каби хислатларини, унинг нимага қобилияти борлигини аниқламай туриб, уни тарбиялашга киришиш кутилган натижани бермайди. Шу сабабли ҳам Фаробий бу хислатларни таърифлашга, уларни тавсифлаб беришга ҳаракат қилади.

Фаробийнинг эътироф этишича, ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хусусияти бор. Жами одамзоднинг аҳволи шундай бўлиб, одамлар ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбур.

Унинг фикрича, инсонни тарбиялаш икки хил усул ёрдамида олиб борилиши мумкин. Агар тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни эгаллашга, тўғрилиқни, ҳақиқатни севишга, жасур ва дўстларга содоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интилмаса, унда тарбиячи, муаллим бундай фазилатларни шакллантирмоғи лозим.

Берунийнинг фикрича, ёшларни ўқитиш учун ўқитувчи танлаш биринчи ва асосий иш деб ҳисобланиб, болаларни ёшлигиданоқ, аниқроғи 5-6 ёшдан ўқитиш лозим. Бунинг учун ўқитувчининг хушмуомала, ростгўй, ўз фанини яхши биладиган, покиза, тоза ва озода, юриш ва туришда намуна бўлишини талаб этиб, “агар тарбиячи ўртак бўлмаса, айтган гапига ўзи риоя қилмаса, унинг берган тарбияси самарасиздир”, деб уқтиради .



2-TOM, 11-SON

Хуллас, аллома ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ўқув-тарбия жараёнини тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий имконият даражаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш меъёрлари ҳақида ўз илмий хулосаларини баён қилади.

Абу Али ибн Синонинг фикрича, ёш болаларни туғилгандан бошлаб тарбиялаш учун аввало ахлоқий ва ақлий тарбия усулларини яхши эгаллаган, иродали, доно, ғамхўр ва динга ишонган ўқитувчи ва тарбиячи танлаш лозимлигини, унинг соғлом, тозаликни сеувчи, софдил ва одамларга яхши муносабатда бўла оладиган тарбиячи бўлиши кераклигини уқтиради.

Ибн Сино болаларни битта-биттадан ўқитишдан кўра жамоада таълим-тарбия бериш, ўқитувчи билан ўқувчининг муносабатини ўрнатишни таклиф этади. Унинг фикрича, жамоада ўқитилганда уларнинг илмга интилувчанлиги кучаяди, тенгдошларидан орқада қолишга ғурури йўл қўймайди. Ўқувчилар ўртасида фикр алмашиш, дўстлик муносабатлари тикланиб, ўз ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида мулоҳаза юритиш қоидаларини шакллантиришга ҳаракат кучаяди. Ундан ташқари жамоа боланинг нутқи ўсишида, фикрининг чархланишида, хотирасининг мустаҳкамланишида муҳим ўрин касб этади. Ана шундай қоидаларга асосланган ўқув-тарбия жараёнигина ёшларнинг ақлий ва ахлоқий камолотини таъминлайди.

Жалолоддин Давоний болаларнинг хулқ одобига салбий таъсир қилувчи кўпол ва баджаҳл муаллимларнинг хатти-ҳаракатини қоралайди. Унинг фикрича, муаллим ақлли, бола тарбиясидан хабардор, яхши хислатли бўлиши лозим. Аллома ўқувчи билан муаллим ўртасидаги муносабатга тўхталиб, шундай дейди: “Агар отанинг жисмини жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, муаллим унинг маънавий тарбияси камолотга етишувига сабабчидир” .

А. Навоий ўқитувчининг бир қанча ижобий сифатларини – қатъийлиги, меҳнатсеварлиги, билимдонлиги, меҳрибонлиги, хатто ташқи қиёфаси, саранжом-саришталиги, озодалиги, яхши одатлари, чиройли қадди-қомати ва юриш-туриши билан ҳаммага намуна бўлишини, ҳар бир ўқувчига ундаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозимлигини кўрсатиб ўтади ҳамда тарбия иши жуда машаққатли, мураккаб иш эканлигини алоҳида эътироф этади. “Лекин инсоф билан айтганда, ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактаб домласи эса, бир тўда болага илм-адаб ўргатади... Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми, идроки озлари бўлади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп”. Бу фикрлардан тарбиячининг иши нақадар машаққатли эканлигини билиб олиш мумкин.



2-TOM, 11-SON

Хусайн Воиз Кошифий ўқитувчи мулоқот жараёнида болалар билан хушмуомала ва адолатли бўлишига эътибор беради. Мураббий болага насихат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар мураббий насихат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонимизда мулойим ва хушфёъл бўлиш мақсадга мувофиқдир .

Аҳмад Дониш ўқитувчининг ахлоқий қиёфасига катта эътибор бериб, унинг ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ўз билимини ошириш ва чуқурлаштириш учун ўз устида кўп ишлаши зарурлигини алоҳида эътироф этади.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг фикрича, тарбиянинг асосий усули ишонтириш бўлиб, бунга эса айтиш, тушунтириш ва ҳаётда бор мисолларни кўрсатиш орқали эришиш лозим. У болаларга зўр муҳаббат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлишни талаб этиб, ўқувчиларга зўрлик, кўрқитиш йўли билан таъсир этиш ёки бирор нарсани қабул қилдириш, уларни уриш, ҳақорат қилиш ҳамда уларга нисбатан зўравонлик қилишни қоралайди. Мактабда болалар ўзларини эркин, қувноқ тутишларини маъқул деб топади.

Шундай қилиб, буюк аждодларимизнинг болаларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш ва уларда умуминсоний қадриятларга асосланган дунёқарашни шакллантиришда ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг психологик хусусиятлари тўғрисидаги таълимотларидан ҳозирги ўқув-тарбия жараёнида ҳам оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги нашриёти , 1993.- 224 б.
2. Абу Райҳон Беруний. Тарвихлар (“Жавохирот китоби”дан “Минералогия”) – Тошкент: Мерос, 1991.- 13 б.
3. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдлик сайланма. – Тошкент: Фан, 1992.- 453 б.
4. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -160 б.

